

ШАРТНОМА № 34

«02» ноябрь 2022 йил

Фаргона шаҳри

“SMARTSOFTSOXSISTEM” MCHJ номидан раҳбари Ж. Ахмадқулов бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи ва иккинчи томондан «Харидор» деб юритилади **Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Фаргона филиали** номидан раҳбар Р.Расулов қуйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширгандан сунг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

т/р №	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Суммаси	Суммаси ҚҚС билан
1	<p>ПРИНТЕР/сканер/копир Цветность печати пьезоэлектрическая струйная Размещение настольный Область применения малый офис Количество страниц в месяц 20000. Максимальный формат А4 Автоматическая двусторонняя печать Минимальный объем капли 2.8 пл Максимальное разрешение для ч/б печати 1200x2400 dpi Скорость печати 39 стр/мин (ч/б А4), 20 изобр./мин (ч/б А4) Время выхода первого отпечатка с (ч/б). Тип сканера планшетный Тип датчика контактный (CIS) Максимальный формат оригинала А4 Максимальный размер сканирования 216x297 мм Глубина цвета 24 бит Оттенки серого 256 Разрешение сканера 1200x2400 dpi Скорость сканирования (цветн.) 27 сек (А4, 200 dpi) Скорость сканирования (ч/б) 12 сек (А4, 200 dpi). Максимальное разрешение копира (ч/б) 600x1200 dpi Максимальное количество копий за цикл 99. Подача бумаги 251 лист. (стандартная), 251 лист. (максимальная) Вывод бумаги 100 лист. (стандартный), 100 лист. (максимальный) Емкость лотка ручной подачи 1 лист. Плотность бумаги 64-256 г/м</p>	дона	10	4 450 000	44 500 000	ҚҚСсиз
2	<p>Проектор: Технические характеристики: Входы и разъемы: HDMI; VGA; Композитный видео; аудио Mini Jack; Потребляемая мощность, W: 240 Вт. Проекция: Отношение расстояния к размеру</p>	дона	10	4 450 000	44 500 000	ҚҚСсиз

	<p>изображения, 1.94 ÷ 2.16 : 1. Разрешение видео: SVGA (800x600). Уровень шума, дБ: 33 дБ. Вес: 2,7 кг. Габариты: 300 x 113 x 220 мм. Проектор станет вашим незаменимым помощником на протяжении длительного времени, поскольку ресурс его основной лампы предполагает 4000 часов активного использования. Несомненным плюсом устройства является реализованная в нем технология 3D, которая добавит реалистичности любому изображению. С моделью вы сможете насладиться невероятно четкой и детализированной картинкой, ведь ее разрешение составляет 800x600 пикселей. Еще одно достоинство устройство – наличие USB-выхода, позволяющего воспроизводитель различный контент с внешних носителей. Для выбора необходимых настроек предстоящей работы достаточно воспользоваться пультом ДУ из комплекта+ (кронштейн+установка)</p>					
3	<p>Диагональ экрана — 86 дюймов; Экран – Антивандальное стекло; Технология сенсора — Инфракрасная до 10 касаний, TFT-LCD; Соотношение сторон — 16:9; Максимальное разрешение — 3840x2160 UHD 4K; Цвет дисплея — 16.7 М; Яркость — 450 cd/m; Контрастность- 4000; TFT-LCD, Формат экрана- 16:9, Яркость- 450 cd/m, Процессор- Intel Core i3-6400, Оперативная память- 8 GB, Жесткий диск- SSD 256 GB, Операционная система- Windows 10 и Android 6, Габариты- 1990 x 1203 x 114 мм, Интерфейсы-Вход VGA (x1), HDMI (x3), AV (x2), 3.5 мм audio (x2), YPbPr (x1), аудио; Выходной звук, динамик. Вес 123 кг+PTZ CAMERA- 10x optical zoom, Plug & Play USB2.0, HD1080P, 9 via IR remote setting (255 via PELCO-P/D/64 via VISCA), 1/2.9 inch high quality, 2.1MP (16:9) CMOS sensor, 2D and 3D NR for best video quality, Support Visca, Pelco-P, and Pelco-D protocol, RS232/RS485 Camera Control;+ Подставка+Сабвуфер</p>	дона	2	49 850 000	99 700 000	ҚҚСсиз

4	Интерактивная сенсорная доска- Технические характеристики: Размер экрана - Диагональ 96", Сенсорная технология - Инфракрасная, 10 касаний, Форматное соотношение - 4:3, Операционные системы - Windows 7, 8, 10 и Linux	дона	14	4 900 000	68 600 000	ҚҚСсиз
Жами					257 300 000	

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: 257 300 000 (Ikki yuz ellik yetti million uch yuzming)
сум. ҚҚСсиз

III. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30 % микдорда пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган холда кушимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сўнг товарни 1(бир ой) муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

6.1. Товарлар тўлиқ етказиб берилиши керак берилаётган товар қисман етказиб бермаса харидор яни бюртмачи уларни тўлиқ етказиб беришни талаб килиш ҳуқуқига эга. Талаблар бажарилмаганда ёзма равишда талабнома беришга ҳақли.

6.2. - Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган холда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган махсулотни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шарноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган махсулот баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш шарт.

7.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган маҳсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб 3(уч) кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда маҳсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

8.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиндан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартноманинг бажарилмаган қисмидан 0.5% микдорида «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня микдори шартнома бажарилмаган қисмидан 50% дан ошмаслиги керак.

8.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги маҳсулот берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % микдорида жарима тўлайди.

8.4 «Харидор» олинган товар учун туловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% микдорида «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

8.5 Текширув органлари томонидан маҳсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб булмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Фавқулотда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг актлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни 5 (беш) иш кунида огохлантириши шарт.

9.3. Огохлантириш хати (почта) орқали юборилади.

9.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 3(уч) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса иктисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунлар тартибида ҳал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «02» ноябрдан 2022 йил «31» декбаргача тузилди. Шартнома икки нусхада тузилиб, икки томонлама имзоланганидан сўнг қонуний кучга киради.

XI. КЎШИМЧА ШАРТЛАР

1, Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши

эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий кийматликлар олиншига йул кўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки хар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги даракатларни амалга ошириши мумкинлиги хақида таассурот колдирилмаганлигини) кафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юкоридаги харакатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради,

4, Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзини ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан хар қандай вақт ва шаклда кўйидаги харакатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладаи, учинчи шахслар оркали) содир этилишига йул кўймайди:

а) назорат килувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона

расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш кўрилиш, конунчилик жараёни ва бошқа сохаларда конунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юкоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) конунга хилоф равишда олинган даромадларнинг реаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинойий фаолиятдан олинган даромад экаплиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига ноқонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол- мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган хақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки тахдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дархол хабардор қилиши шарт.

5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа харакатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан харакат килувчи бошқа вакилларга) нибатан куйидаги харакатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий харакатларга пул кўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий харакатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги хақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

-улардан коррупциявий харакатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида

фойдаланмаслик;

-уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга конунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортикча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг

7. назорати остида бўлган ва улар номидан харакат қиладиган шахслар томонидан

коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

8. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши кўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йул кўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарии тўлиқ коплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

ХИ. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»
“Ahmadqulov Jasurbek”
“SMARTSOFTSOXSISTEM” MCHJ
(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Farg'ona, viloyat So'x tumani, Demursad MFY, Adirlig kuchasi, 35A-uy

Тел./факс (90) 368 63 96
х/в: 20208000005533938001

Банк номи : ФАРГОНА Ш.,
"ТУРОНБАНК" BDM

МФО: 00446 СТИР: 309609483

«Буюртмачи»
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт унверситети Фаргона филиали
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фаргона шаҳар, Кимёгарлар кучаси 9-уй

Тел./факс (94) 4408331
ш/хр: 400110860304017094100135001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи:
307975862

ОКОНХ _____
Ғазначилик бўлинмаси номи: Молия вазирлиги Ғазначили

Ғазна х/в 23402000300100001010
Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш ХКМ МФО _00014
ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Рахбар: Ahmadqulov.J



(имзо)
М.Ў.

Рахбар: Расулов.Р



(имзо)
М.Ў.

Ғарсет Ғарсет Ғарсет
Ғарсет Ғарсет Ғарсет